

---

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН! ОСМОН ОСТИДАГИ ЖАННАТ

Ватан!

Саждагоҳ каби муқаддас, отамиз каби азиз ва мўътабар, онамиздай меҳрибон ва бағрикенг замин бўлган жонажон Ўзбекистоним! «Юртимизга Аллоҳнинг назари тушган», десам, адашмаган бўламиз. Гўёки «осмон остидаги жаннат»! Замини саховатли, қўёши чароғон, осмони мусафро, дастурхони тўкин, халқи меҳрибон, Юртбоши жонкуяр ва адолатли бўлган бундай диёрни ер юзининг жаннати, десак, муболаға бўлмайди.

Мустақилликка эришгандан сўнг кундан-кунга юксалиб, чирой очиб, тараққий этиб бораётган юртимизда дин ва сўз эркинлигига, халқ дарди ва манфаатларига қаратилган эътибор тақсинга лойиқдир. Масжидларимизда ўқилаётган намозлар, қад кўтариб, савлат тўкиб турган шинам бинолар, обод бўлаётган шаҳар ва қишлоқлар, кексаларни улуғлаб, аёлларни эъзозлаб, ёшларни қўллаб-қувватланиши эса, ҳам кўзимизни, ҳам кўнглимизни яиратади, шукроналик туйғуларини жўш урдиради.

Сўнгги йилларда юртимизни янада гуллаб-яшнаши, тараққий этиши, гўзал ҳаёти ва халқнинг тинч ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар янада кўнгилларни шод этади. Тараққиёт стратегияси, беш ташабbus доирасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ёшларга имкониятлар эшигини очди. Ёшлар юртнинг бугуни ва эртаси. Пиру бадавлатларимиз эса оиласларимиз файзу баракаси. Шуни англаган ҳолда уларни эъзозлаш ва қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Спорт – соғлик гарови, соғ танда соғлом ақл, илм маърифат эса бугун ва келажак замини, дея турли спорт мусобақалари, спорт тўгараклари юртимиз бўйлаб ташкилланмоқда. Китобхонлик, фанлар бўйича, мусиқа ва санъат йўналишларида турли танловлар ўтказилиб келиняпти. Бундай танловлар ва эътибордан ёшларимиз янада руҳланиб, шижоатга тўлиб бормоқда. Президент мактаблари, билим олиш даргоҳларининг кўпайиб бориши илм олишга ошиқиб, жўшиб турган ёшларга янада имкониятлар эшигини очади. Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир, деб бежизга айтилмаган. Шу нақлга амал қилган ҳолда боғчалар ва мактаблар, жамики илм даргоҳларига эътибор қаратилмоқда. Ёшларимизни илм-маърифатли, зиёли, кучли ва адолатли бўлишлари, бу юрт келажагининг равнақ топиши ва мустаҳкамлигидир. Уларга берилган тарбия, эътибор, келажакда ўз мевасини албатта беради. Зоро, илмни юксалтириш, миллатни юксалтириш демакдир.

Юртни обод қилиш, уни эъзозлаш, унинг келажаги учун жон куйдириш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Кенг имкониятлар эшиги барча учун ҳамиша очиқ. Оилавий тадбиркорликнинг кенг йўлга қўйилиши, аёлларга кўмак учун аёллар дафтари, камбағалликни қисқартириш учун темир дафтарлари ҳам аҳолимиз учун катта кўмак берди. Маҳаллаларга бириктирилган маҳалла аёллар фаоллари, ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари ҳам жон куйдириб, ҳеч бир инсон эътибордан четда эмаслигини, давлат халқ ҳизматида эканлигини кўрсатиб келишмоқда.

---

тарбия берайлик. Чунки улар юрт келажагини қуради, наслимишни, бўлажак олимуро олималарни, Темурбегу, Улуғбек, ибн Синоларни тарбия қиласди. Уларга яхши ўрнак ва эътиборда бўлайликки, хатога йўл қўйишмасин. Эркин фикр, тоза кўнгил, адолатли, илм маърифатли юрт эгаси бўлишсин.

Тинчлигимизга, гўзал юртимизга, халқ учун жон куйдириб, ёшларнинг бошини силаётган Юртбошимизга, мусаффо осмонимизга, янги Ўзбекистонимизга кўз тегмасин!

Хабибаҳон ОБИДОВА,

Фарғона Давлат университети 4-босқич талабаси.

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АҲБОРОТ ХИЗМАТИ**

2022-07-21 15:54:47